

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

Хива шахри

«21 » Ноябрь 2022й

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **Хива шахар ОМСТБДИМИ** номидан низом асосида иш юритувчи, раҳбари **И.Ибадуллаев** бир томондан, кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **ХИВА САЁТ ТАЙЁРЛОВ МЧЖ** номидан низом асосида иш юритувчи раҳбари **Р.Р.РАХИМОВ** иккинчи томондан **Хива шахар ОМСТБДИМИ мактаб биносини томини, кириш кисмини ва заборини жорий таъмирлаш буйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.**

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади;

-**ижро хужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофикалигги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кулланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айrim масъулиятли конструкциялар оралик даврда кабул килиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар;

-**курилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб куйилади ёки бош режага мувофик белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб куйилади;

-**вактинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан курилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган хар кандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар;

-**беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниглаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

-**шартнома нархини булиб чикиш** – ишларнинг хар бир боскичи ва ёки турлари кийматини аник белгилаган холда шартнома буйича объектнинг умумий кийматини боскичларга таксимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофик **Хива шахар ОМСТБДИМИ мактаб биносини** кузда тутилган лойиха буйича жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва толовни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР КИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар киймати барча соликлар, йигимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошка харажатларини уз ичига олган холда жорий нархларда **432 500 000 (Турт юз уттиз икки миллион беш юз минг)** сўмни ташкил этади:

4. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта куриб чикилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

- курилиш кийматини купайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб булганда;
- ишлар киймати Буюртмачи томонидан узгартирилганда;
- объектнинг курилиши бир йилдан ортик муддатга узгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортик булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниглашириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага кушимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада хамда унга 2-иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда узининг кучлари ёки жалб килинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;
- курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклашни таъминлайди;
- курилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар куриш;

- Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор килиш;
- курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вактида атроф мухитни, утказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза килиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари урнатиш;
- курилиш таваккалчиликларини сугурта килиш;
- мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга кабул килиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини узига тегишли курилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар конструкциялар хамда вактинчалик бинолардан бушатиш;
- курилиш майдони курикланишини таъминлаш;
- курилишда таваккалчилик сугуртаси учун белгиланган суммага сугурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик сугуртаси тугрисида шартнома тузади ва сугурта шартномаси билан сугурта полисини бүртмачига тақдим килади.

8. Пудратчи мавжудлигини кафолатлаган узининг 20% га тенг булган ва унга хизмат курсатувчи банк томонидан берилиши кафолатланган 20% айланма маблагларини мазкур шартномада кузда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи хужжатларни (исполнительная документация) тулик хажмда тақдим килади.

10. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг уз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкий жавоб беради.

V. БЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача булган даврга далолатнома буйича Пудратчига бериш;
 - ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;
 - Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чикиш ва карор кабул килиш;
 - молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
 - Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур булган ижро хужжатлари руйхатини тақдим этиш;
 - мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятларини олади;
12. Буюртмачи мазкур шартномада кузда тутилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тулик мулкий жавоб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолагандан ва Фазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилгандан кейин юридик кучга киради.

14. Пудратчи мазкур шартномага илова килинган ишларни бажариш жадвалига мувофик ишларни бажаради

15. Объектни 2022 йил «15» декабрга фойдаланишга топширилиши белгиланади.

VII. ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома буйича узаро хисоб-китоблар миллий валюта - «сумда» килинади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома буйича ишлар умумий жорий кийматининг 30% микдорида аванс утказади, бу **129 750 000 (Бир юз йигирма туккиз миллион етти юз эллик минг)** сўмни ташкил этади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун бюджетдан максадли берилган маблаглар уч банка кунида молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади. (1,2-иловалар)

19. Буюртмачи тамонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар хажми ва сифати текширилиб кабул килингандан кейин хакикий бажарилган ишлар кийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб колган холда молиялаштириш жадвали буйича амалга оширади.

20. Пудратчининг хисоб ракамига тушадиган маблаглар ушбу объект курилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект курилишига зарур булган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга хак тулаш, объект курилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тулаш учун ва Ушбу объект курилишининг бошка харажатларига катъий сарфланади.

21. Пудратчи жорий молиялаштириш учун хисобот ойнинг охирги кунигача ва якуний молиялаштириш учун хисоб китоб учун курилиш монтаж ишлари микдори, харажатлари тугрисидаги «Бажарилган ишлар

кймати тугрисидаги маълумотнома хисоб-варак-фактурани» узи тузиб тақдим килади. Буюртмачи бажарилган курилиш-монтаж ишларининг микдори, сифати ва харажатларини текшириб кабул килиб имзолайди.

22. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний хисоб-китоб учун, бажарилган курилиш-монтаж ишларини микдори, сифати ва харажатлари текширувидан сунг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан кабул килиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар киймати тугрисидаги маълумотнома-хисоб-варак-фактура» асос булади.

23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома буйича объектга мулк хукукини узида саклайди. Объект Буюртмачига топширгунга кадар объектнинг тасодифий йук килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

24. Буюртмачи курилиш майдонида уз вакилини – техник аудиторни тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланилдиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини текширади.

25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш хукукига эгадир.

26. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлади. Техник аудитор пудратчи томонидан утказилдиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чогида пайдо булувчи масалаларни хал килиш буйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

27. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI-булимида курсатилган муддатлар билан мувофикаштирилган уз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажариши мустакил равишда ташкил этади.

28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганини аникласа, у холда Пудратчи уз кучлари билан ва курилиш кийматини купайтирасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши окибатида етказилган заарларни Буюртмачига тулади.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида ахамиятга эга булган холлар ва холатлар (ишларни бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни кабул килиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вактида етказиб берилмаслиги билан боялик тухтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чикиши тугрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

31. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар нозага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб булмайдиган куч холатлари ёки уларнинг окибатлари бир ойдан куп вактга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар курилишини мухокама киладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

XI. КАФОЛАТЛАР.

34. Пудратчи:-барча ишларни тулик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;- лойиха хужжатларига хамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;
- узи томонидан курилиш учун кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларидан курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиқлигини;
 - ишларни кабул килиш ва объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни уз вактида бартараф килишни;
 - объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нуксонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат иичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% микдорида жарима солиш хукукига эга.

XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ.

35. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига баглик булмаган сабабларга кура Пудратчи томонидан бир ойдан куп вактга кечикирилганда;
- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга купайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда; конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

36. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига баглик булмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан икки ойдан ортик муддатга тухтатиб куйилганда;
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда; конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

37. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кушма карорига кура тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тулади.

38. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур булим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

39. Шартнома бекор килинган такдирда айборд томон иккинчи томонга етказилган заарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулади.

40. Шартноманинг бир томонлами бекор килинишига йул куйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

41. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айборд томон: Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексида, Узбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида» ги конунида, Узбекистон Республикаси Президентининг 6 май 2003 йилдаги ПФ-3240 сонли фармони, Узбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг 395 сонли карори билан, бошка конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи тамонга етказилган заарларни коплайди.

42. Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишли иловаларда курсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида куйидаги холларда жавобгар булади ва:

- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома буйича бунинг окибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш кузда тутилган ишларнинг бажарилмаган кисмининг 5% микдорида жарима тулади;
- буюртмачининг хисоб ракамига максадли молиялаштириш учун тушган пул маблагларини уч банка кунида сабабсиз пудратчининг хисоб ракамига утказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% микдорида жарима тулади;

- шартномага муофик ишларни бажариш жадвали буйича бажарилган ишлар хажмини асосиз равища кабул килиб тасдиклашдан бош тортгани учун ушбу кабул килиш, тасдиклашдан бош тортган сумманинг 5% микдорида жарима тулайди;

- шартнома шартларига муофик тайёр холда кабул килиш учун тақдим килинган объектни асосиз равища кабул килишдан бош тортса шартнома кийматининг 5% микдорида жарима тулайди;

43. Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишли иловаларда курсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида куйидаги холларда мулкий жавобгар булади ва:

-Ишларни бажариш жадвалида белгилангандан кам хажмда ишларни бажарса , мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмидан хар кечикирилган кун учун 0.5% микдорда пеня тулайди.

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган микдорда бажариб тегишли тартибдаги маълумотлар билан хисбот ойининг охирги кунига кадар тасдиклатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар кийматининг 5% микдорида жарима тулайди;

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган микдордан кам бажарса, бажарилмаган кисмининг 5% микдорида жарима тулайди;

- объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр холда фойдаланишга топширмаса шартнома кийматининг 5% микдорида жарима тулайди;

- Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси томонидан аникланган камчиликлар, нуксонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ун кундан ортик булмаган) муддатда бартараф килмаса ушбу аникланган камчиликлар, нуксонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 5% микдорида жарима тулайди.

44. Агарда томонлардан бири уз реквизитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон ракамларини, корхона атамаси ёки макомини нотугри берса ва узгарганлиги тугрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи тамонга ёзма хабар бермаса айборд тамон иккинчи томонга шартнома баҳосининг 0,1% микдорида жарима тулайди.

45. Бир томоннинг айби билан шартномани бекор килишга тугри келса, айборд тамон иккинчи тамонга барча заарларни коплади, амалдаги конунларда белгиланган тартибида.

46. Тамонларнинг мулкий жавобгарликка тортилиб тулайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома кийматининг 30% ошмаслиги керак.

47. Тамонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкий талабларини далолатнома асосида тулов талабномаси буйича акцептсиз амалга оширишга хаклидир.

XIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

48. Шартномани бажаришда ва бекор килишда ёки узгартиришда шунингдек етказилган заарларни, коплашда пайдо буладиган барча низоли масалаларни томонлар мухокама билан келишувга эришмасалар, у холда улар конун хужжатларида белгиланган тартибида судга мурожат килишлари мумкин.

XV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

49. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучини йукотади.

50. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алохида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга булмайди.

51. Мазкур шартномага киритилган барча узгартириш ва күшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган булса, хакикий хисобланади.

52. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо булишига олиб келадиган хар кандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага күшимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равища тасдиклаши керак.

53. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида узига тегишли мол-мulkни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хак тулашни кечикиришга хаклидир.

54. Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-конун хужжатларига К.К.С. тугрисида узгартиришлар киритилса кайта куриб чиқилади.

55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари кулланилади.

56. Мазкур шартнома томонлар имзоланиб Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Фазначиликдан руйхатдан утгандан кейин юридик кучга киради ва бу шартнома 31.12.2022 йилгача амал килади.

57. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булиб 3 нусхада тузилди.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

ПУДРАТЧИ:

"Киева Sayot tayyorlari" №17
Манзили: Киев в саём кишлар

Тел/факс : 49989700767
x/v : 20208000300269018001
Банк номи : Таңысат және АТБ ұлттық сұнада
МФО : 01037 СТИР : 302770118
ОКОНХ :

Рахбар Д.Р.Рахимов
(ФИ.ПЛ)



Хукукшуное. (ИМЗО)

Хукукшуное: М. Ахметов
(ИМЗО) (Ф.И.О.)

БҮЮРТМАЧИ:

Жива и ОЛСТБ ОУЛПИ
Манзил: Феруз күнде 17-күн

Тел/факс +99862 377 52-29
х/в 100021860334067092300135001
бюджетдан маблаг олувчи СТИР и 203325290
ОКОНХ 92310

Газначилик бул номи: **Молия Вазирлиги Газначилиги**

Фазна x/b 23402000300100001010

Банкнинг номи Марказий Банк Тошкент

MFO 00014

Газначилик булинмаси СТИР и 201122919

Рахбар И. Чедадуллаев
(газеты) (Ф.И.Ш.)

MO-81



M. Axmegash
(Ф.И.О.)

Хива шахар ОМСТБДИМИ бинносини томинни кириши кисмини ва заборини жорий таъмирлаш ташаббуси
буйича ойлар давомида молиялаштириш графити

(мийнг сум)

		2022 йил учун молиялаштириш киймати											
Тұр	Объект номи ва манзили	Хажм бирлигининг киймати			1-чорак			2-чорак			3-чорак		
		Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Июл	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
1	Хива шахар ОМСТБДИМИ	432500											129750
													302750

Пудратчи:

Ded



16/1



Хива шаҳар ОМСТЕДИМИ Биносими томини, кириш кисмини ва заборини жорий таъмирлаш таъмирлаш ишлари
бумича оқлар давомидаги бажариш графикини

		2022 йил учун бажариш киймати														
Нр	Объект номи ва манзили	Хахм бирлигининг киймати			1-чорак			2-чорак			3-чорак			4-чорак		
		Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь			
1		4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15			
1	Хива шаҳар ОМСТЕДИМИ Биносими	3	432500											123750	302750	

